


Қоплонни ғамга солган воқеа



16:00 / 24.01.2023 1899

Бу воқеа Карнатакадаги Комбару қўриқхонасига туташ сув омборида содир бўлган. Бир қоплон итга ташланаётган эди. Ит бечора эса ундан қочиб, дераза орқали ҳожатхонага кириб олди. Ҳожатхонанинг эшиги ташқаридан берк эди. Итни қувлаб келаётган қоплон ҳам шу сабаб ўша деразадан ҳожатхонага кирди. Ит қалтираганча хонанинг бир бурчагида жимгина ўтирар, вовуллашга ҳам журъат қилолмас эди. Қоплон оч бўлишига ва итни қувлаб кирганига қарамай, уни емади. У итга хужум қилиб, парчалаб уни еб юбориши мумкин эди. Лекин иккови ҳам бир хонада, бири у бурчакда, бири бу бурчакда ўн икки соат вақт ўтказди. Аммо шу вақт давомида қоплон ўзини сокин тутди, итга ташланмади. Ўрмон хўжалиги ходимлари қоплонни тинчлантирувчи ўқ дори ёрдамида тутиб, қафасга қамадилар.

Шу ерда бир савол туғилади. Нима учун оч қоплон ёнида турган итга ташланмади, уни паққос туширмади.

Ёввойи жонзотларни ўрганувчи мутахассислар бу саволга шундай тўхталиб ўтдилар: «Ёввойи жонзотлар озодликка жуда ҳам ҳарис бўлади. Уларнинг эркинлиги чекланиши биланоқ, кайфияти ўзгариб, чуқур қайғуга ботиб, ҳатто очликни ҳам эсдан чиқариб юборадилар. Натижада уларнинг ошқозонни озиклантиришга бўлган табиий истаги сусая бошлайди».

Хулоса шуки, биз инсонлар каби барча ҳайвонлар эркинлик, озодликни яхши кўрадилар. Шундагина биз каби улар ҳам ўзларини бахтли, саодатли ҳис қиладилар. Зеро, эркинлик ва саодат бир-бирига боғлиқ

